

Рўзанинг фазилатлари



15:05 / 28.05.2017 5676

Рўзанинг фазилатлари

Рўзанинг фазилатлари кўп бўлиб, улардан бир нечтасини зикр қиламиз:

Биринчи: Рўза хато ва гуноҳларга каффоротдир.

هُوَ رِيءٌ بِنَدْوٍ مِمَّ دَقَّتْ أُمَّهُ لَرَفْعِ أَبِ اسْتِحْوَ أَن أَمِي إِ نَاضَمَ رَمَاصُ نَمَ لَاقِ يَبَّ نَلِ نَع
رَحَّاتِ أَمَوَ : دَا زُو دَمَحْ أُوَّ سَمَحْ لَ ا

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким Рамазон рўзасини иймон билан, савоб умидида тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур**», дедилар».

Бухорий ва бошқалар ривоят қилишган.

أَمَ ظَفَحَ وَهُوَ دُوْحَ فَرَغَ وَ نَاضَمَ رَمَاصُ نَمَ لَاقِ ، يَبَّ نَلِ نَع ، رِيءٌ دُخْلِ دِي عَسَ يَبَّ أَع
يَقَهِي بَلِ ا وَ هَاجَمَ نَبَا هَاورِ «هَلْبَقِ أَمَ رَفَكَ ، ظَفَحَ يَبَّ نَعْلَ عَسَ يَبَّ نَع

Абу Саъид Худрийдан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким Рамазон рўзасини тутса, унинг ҳадларини (чегараларини) билса, сақланиш керак бўлган нарсалардан сақланса, бу рўза ўзидан аввалги (бўлиб ўтган гуноҳ)**

ларни мағфират қилади», дедилар.

Ибн Можа ва Байҳақий ривоят қилганлар.

«عَمُّ الْمُجَلِّى لَيْلِيَّةٌ مُجَلِّىٌّ أَوْ سَمِخْلَى تَأْوَلُّ صِلَا»؛ لَوْ قِيَّ نَأَكُ □ هَلْ لِي لَوْ سَرَّ نَأَ، عَزِيْرُهُ يَبْأَنَعُ، مَلْسَمٌ هَاوِرٌ. «رِيَّابُ كَلْبَنَنْتِ جَا إِذِي، نُنَّهْنِي بَأْمُ تَأَرْفُكُم، نَأَضَمَّرِي لِي نَأَضَمَّرُو»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Беш маҳал намоз ва жума кейинги жумагача, Рамазон кейинги Рамазонгача орадаги (гуноҳ) ларга каффоратдир, агар киши гуноҳи кабиралардан сақланган бўлса»,** дер эдилар».

Муслим ривоят қилган.

Иккинчи: Рўза туфайли даражотлар юксалиб, савоблар кўпайтириб берилади.

«إِنَّمَا غَبَسَ لِي إِهْلًا مِمَّا رُشِعَ عَنْ سَخْلٍ، فَغَضِي مَدَّيْنِي لِمَعْلُوكُ □ هَلْ لِي لَوْ سَرَّ لَأَقِ نَمُّهُ مَاعَطُوهُ وَتَوَّشِعُ دِي، هَبْ يَزَجْ أَنْ أَوْ يَلِيَّ نَأَفِ، مَوَّصَلِي أَلِي؛ لَجَّ وَرَعُ هَلْ لِي لَأَقِ عَضُ هِي فُفُولُ حَلَوِي، وَبَرَّءَ لَدُنِّي عُوْرَفُو، وَهَرَطَفَ دُنِّي عُوْرَفِي: نَأَتَخَرَفُ مِي أَصَلِّي، يَلَجُّ أَمَلْسَمٌ هَاوِرٌ. «كُنْ سَمَلِي حِي رُنْمِ هَلْ لِي لَدُنِّي عُبِّي طَأ»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Одам боласининг ҳар бир амали (учун бериладиган савоб) бир неча баравар кўпайтирилади: бир яхшилик ўн мартадан етти юз бараваргача. Аллоҳ азза ва жалла шундай деди: «Аммо рўза мустасно, чунки у Мен учундир, унинг мукофотини Ўзим бераман. У (банда) Мени деб шаҳватини, еб-ичишни тарк этади. Рўзадор учун икки қувонч бор: ифтор қилганида бир қувонч, Роббига етишганида бир қувонч. Унинг оғзининг ҳиди эса Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир».**

Муслим ривоят қилган.

Учинчи: Рўза юксак мартаба, шарафли мансабдир. Шу сабаб Аллоҳ таоло уни шарафлаган ҳолда Ўзига бириктирган ва **«Аммо рўза мустасно, чунки у Мен учундир»**, деган, ҳолбуки барча солиҳ амаллар ҳам У Зот учундир. Ушбу бириктириш ўзига хос бўлиб, бу борада уламолар турли изоҳлар берганлар.

Баъзилари «Рўзада рўзадорнинг насибаси йўқ, у ёлғиз Аллоҳ таоло учун», деса, бошқалари «Рўза риё кирадиган амаллардан бўлгани, у фақат ният билан бўлгани ва оғиз очадиган нарсадан тийилиш бўлгани учун холис Аллоҳ таолонинг Ўзигадир», деганлар. Бошқа уламоларнинг фикри ҳам шуларга ўхшаш.

Тўртинчи: Аллоҳнинг ҳузуридаги фаришталардан иборат жамоат ҳидлайдиган, рўзадорнинг оғзидан келадиган ҳид, яъни халуф мушки анбарнинг ҳидидан ҳам хушбўй бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир**», деганлар.

Бешинчи: Фаришталар рўзадорларга саловот айтадилар, раҳмат сўраб дуо қиладилар ва мағфират сўрайдилар.

هُلِّلْ لِي لَيْسَ يَبْلُغُ النَّبِيَّ رَاصِنًا أَلْبَعَكِ تَنْبَ رَامُعْمُأَ نَع مَهْرِي غَوِي ذِمْرَتِ لِي يور
، مَمَّئِ اصِّي نِي تَلْ اَقَف ، اَمَّ اَعَطَه يَلِي لِي تَمَّ دَقَف اَهْيَلَع لَحَدَّ مَلَسَو هِي لَع
اِذِي اَكْئِ اَلْمَلِ اَهْيَلَع يَلِصَّتْ مَمَّئِ اصِّلِ اِنِي : مَلَسَو هِي لَع هَلِّلْ لِي لِي اَلْمَلِ اَقَف
«اَوْغُرْفِي يَتَّحُّ هَدْنَع لِكُأ

Термизий ва бошқалар Умму Аммора бинт Каъб Ансория розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизникига кирган эдилар, у зотга таом тақдим қилдим. У зот: «**Ўзинг ҳам егин**», дедилар. «Мен рўзадорман», дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бир рўзадорнинг ҳузурида таом ейилса, то еб бўлгунларича фаришталар унга салавот айтиб турурлар**», дедилар».

يور " هَدْنَع لِكُأ اَمَّ اَكْئِ اَلْمَلِ اَهْل رَفَغْتَسْت و ، هَم اَطَع حَبَسْت مَمَّئِ اصِّلِ اِنِي ! لال ب اي
ي ب ل ل ا ن ع ه ج ا م ن ب ا

Ибн Можадан қилинган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Эй Билал! Рўзадорнинг ҳузурида таом ейилса, унинг суюклари тасбеҳ айтади, фаришталар унга истиғфор айтади**», дедилар.

Олтинчи: Аллоҳ аzza ва жалла фаришталарига рўзадорлар билан мақтанади.

رَهَشُ نَاضَمَرِّ مُمَّكَاتَا " : نَاضَمَرِّ رَضَحَو ، اَمَّوِي لَاق ، هَلِّلْ لِي لِي اَلْمَلِ اَقَف ، تَمَّ اَصِّلِ اِنِي نَبَّ دَابُّع
" بَحَّتْ سِي وَ ، اَي اَطَّخْ لِي اَهْيَلَع طَحِّي وَ مَمَّ حَرِّ لِي لِي اَقَف هَلِّلْ لِي لِي اَمَّ اَشَّ عِي رِي خ هِي ف رَه كَرَب

نَمَّ لَلْأَوْرَافِ، عِةَ كَيْهَابِي وَ مَكْسُفَانَتِ لَلْأَرْطَنِ، عَوَّ دَلَا هِيَفِ
يَنَارِبَطَالَا هَاورِ «لَلْأَمْحَرَّهِيَفِ مَرْحُومِي قُشَلَالِكِّي قُشَلَانِإِفِ، أَرْيَخُ مَكْسُفَانِأِ

Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойида шундай дедилар: **«Сизларга Рамазон келди. У барака ойидир. Аллоҳ ундаги яхшиликлар билан сизларни қамраб олур. Раҳмат нозил бўлур. Унда хатолар хатолар ўчирилур. Унда дуолар мустажоб бўлур. Аллоҳ сизларнинг мусобақалашингизга қараб, фаришталарга мақтанур. Шундай экан, Аллоҳга ўзларингиздаги яхшиликларни кўрсатинг. Бу ойда Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлган киши - бадбахтнинг бадбахтидир».**

Табароний ривоят қилган.

Еттинчи: Рўзадорлар жаннатга ўзларига хос бўлган Райён эшигидан кирадилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким Аллоҳ йўлида бир жуфт нарса нафақа қилса, унга жаннат эшикларидан: «Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшилик», дея нидо қилинади. Ким намоз аҳлидан бўлса, намоз эшигидан чақирилади. Ким жиҳод аҳлидан бўлса, жиҳод эшигидан чақирилади. Ким рўза аҳлидан бўлса, Райён эшигидан чақирилади. Ким садақа аҳлидан бўлса, садақа эшигидан чақирилади».**

Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Ўша эшиклардан (бирортасидан) чақирилган кишига бошқа ҳеч бир зарар йўқ-ку? Бирор киши ўша эшикларнинг ҳаммасидан ҳам чақириладими?» деди. У зот: **«Ҳа. Умид қиламанки, сен ҳам ўшалардан бўласан»**, дедилар».

Саккизинчи: Рўзадорлар Рамазонда икки марта хурсанд бўладилар. Бу хурсандлик рўзадорнинг ифтор пайтида, рўзаси тугал бўлганда унинг ажри узилиб қолмагани учун бўлса, яна бир хурсандчилик Роббига йўлиққанидаги шодиёнадир.

إِذْ وَجَّهَ رَطْفًا إِذْ أَمُّهُ حَرَفَيْدِنَا تَحَرَّفَ مِئْصَلَلِ لُوقِي ۖ يَبَّ لَلْأَنْعَ عَزَّيْرُهُ يَبَّ أَنْعَ
سَمَّخَلَا هَاورِ «وَمَوْصَبَ حَرَفُهُ بَرَّيَقَلِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Рўзадорга икки марта хурсандлик бор бўлиб, икковига ҳам етишади. У рўзаси туфайли ифтор қилганида хурсанд бўлади ҳамда Роббига йўлиққанида хурсанд бўлади».**

Бешовлари ривоят қилганлар.